

ТОНТЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 26 (65902)
1996 йил, 20 апрель, шанба

Сотувда
эркин нархда



Замон зайли осмондан, ерга тушган бир куни, кемтик жойдан онахон, топиб олди тўрт донни. Авайлаб донни она, сақлади шўр пешона. Хоналарда болалар ётар эзгу уйқуда, уйғонишиб тезгина, овқат талаб қилишар, буни сезган онажон қўзларига ёш олар. Кечагина бу она, алла айтарди шундай:

Болаларим эмингларда тўйинглар

Бугундан кейин она дейишни қўйинглар.

Вақт утди, замон утди. Гудаклар ўсиб кетди. Бугун улар ҳар бири, ёруғ бўлсин тақдири, асрон буб етишмоқда, ёш қизнинг яноғини панада упишмоқда.

Алплар уйқуни сурди, она дошқозон қурди. Қарасаки шу пайти, сувга тушган тўртта дон, ўсибди оромийжон. Шошиб қолган онанинг ҳол ороми бузилди, эзгу ният болам деб, сув малаклар узилди. Майсаларни келига солиб она туйди хўп. Болаларим тўйсин деб гудакларни суйди хўп. Кели туйиб шу маҳал, она айтарди ғазал:

Сувда ўсган тўртта дон, сизни туйиб мен ҳалак

Болам деб қийналар жон, озиқ бўлинг сув малак.

Она армонин айтиб қозонга ўт қалади. Ширин овқат орзусида танглайини ялади. Сув малакларни эзиб, қозонга солди она. Сув солди ун солди, бир қошиқ ёғ ҳам солди. Болаларнинг келажакда алп йигит бўлишига шу овқат етарми, деб она уйланиб қолди. Келажакда алплари сув келса симирсин деб, дошқозонга сув солди, умр йули оқ бўлсин, оқлик деб оппоқ ундан қозонига ун солди. Қийналмасин болаларим тоғли жойда, тоғ сойда дея она шу чоғда қозонига ховуч-ховуч ёғ солди. Ҳаёт текис бўлмайди, бахтнинг узи келмайди, овқат еб семирсин деб, тош келса кемирсин деб, қозонига ирим учун, душманлар курсин бу чин, тўртта-бешта тош солди узи ҳам ҳайрон қолди.

Бу ҳаммаси бир орзу, болам деб она ҳалак, ёнига қарасачи, ўсар сувда сув малак. Онанинг орзуларда ижодий қалби жушди, шу пайт узиб донларни, сув малак деб орзуда, уни овқатга қўшди.

Мана энди онажон қозон қўзғар тинмайин, бир маромда қайнаган қозон ҳақда не дейин.

Болаларим орзусига ором бўлгин сув малак, Алпларимнинг ризқ-рўзига борам бўлгин сумалак.

Қозонида гир айланган она ёлғиз бўлмади, кўни-кўшни атрофлардан, келмаган дўст қолмади. Бири бир боғ ўтин билан, бири ният бутун билан онани мадҳ айлади, алплар туриб шу заҳоти қувончидан чопишди, она-бола ҳамкорликда уз бахтини топишди.

Абадийат қўшигининг бандин айтиб куйласам, элу-юртлар қаторида уз юртимни уйласам, куз олдимда солланади сувда ўсган сув малак. Урф одатга бой бу халқим, ҳар баҳорда қайтанади орзу билан сумалак.

Орзуларим бирга ўсган наврўзий сулув малак, Қайнайверсин қозонларда қадимий бу сумалак.

МАХМУД ЙЎЛДОШЕВ





Гулноза бутун мактабга оғи тортмайгина борди. Кечаги булиб утган воқеадан, узининг ноҳақ қилмишидан кунли жуда гаш эди. Ҳеч кимга сездирмай, Гулноранинг урнига қаради. Унинг урни буш, мактабга келмабди. Гулноза дарсада утирибди-ю, хаёлида кечаги воқеалар чарҳ уряпти...

Тунов куни Гулноза ҳисобдан уйга беришган вазифани бажара олмади, тугрироғи, бажаргиси келмади. «Эртага Гулнорадан кучириб оларман» деган уй билан китоб-дафтарларини папкасига жойлади-да, кучага уйнагани чиқиб кетди. Эртаси кунги мактабга барвақтроқ келиб, Гулнорадан дафтарини суралди. Ҳаргал кучиришга берадиган Гулнора бу гал бермади, «Халоб кучириб олаверсанг дарсни ту-



дию балога қолди.

— Ҳе, сендақа билагондан ургилдим, — бобилдай кетди Гулноза. — Юриш-туришлари ҳалигдай-ю менга ақл ургатадиган булиб қолдиларми? Гулноранинг кун

.....

Дарса кунгирок чалиниб, ҳаммамиз синфга кирдик. Китоб-дафтарларимизни ҳозирлаб утирдик.

— Болалар, бир топишмоқ айтсам, топасизларми? — деб қолди Шоира кулимсираб.

— Топамиз, айтавер топишмоғингни, — дейишди болалар.

— Қишин-езин бир хил кийимда.

— Бу топишмоқнинг жавобини ким билмас экан, арча-да, — деди кимдир.

— Йук, тополмадинг. Топишмоқнинг жавобини хо-


УРИНСИЗ ТОПИШМОҚ

зир қурасизлар. Шу пайт эшик очилиб, тарих ўқитувчимиз Кутби опа куриндилар. Шоира орқасига қараб,

болали, ночор оиласи ҳам, ака-опаларининг кийимларини кийиб юриши ҳам қолмади. Табиатан одобли, камсуқум камган булган Гулнора кутилмаган бундай ҳақоратлардан тангиб қолди. Наҳот излаб, синфдошларига тикилди. Аксигча, ҳаммалари Гулноранинг гапларини макқуллаб, унинг устидан кулишарди. Гулнора чилаб туролмади, хунграб йиғлаганча, синфдан чиқиб кетди...

Гулноза уйга бориб уз қилмиши ҳақида узоқ уйлади, ноҳақ эканлигини ҳам ҳис қиларди. Гулнорадан уэр сураб хат ёзиш мақсадида қулига қалам, қоғоз олди. Шунда хаёлидан «синфдошларим узи ялинибди-да, дея устимдан кулишадими-ку» деган уй кечди-да, қоғозини нижимлаб, йиртиб ташлади...

Ҳилола ТОЖИЕВА,
Тошкент вилояти, Тошкент тумани.



«мана» дегандек ишора қилди. Синфда кулгу кутарилди. Уқитувчимизнинг эса ҳеч гапдан хабари йук. Шоира-

Беҳзод иккимиз қалин дустмиз, бир партада утириб, биргаликда дарс тайёрлаймиз. Синфлаги аълочи уқувчилар қаторида иккимизнинг номимиз ёзма-ён уқилади.

Учинчи чорак якунида математикадан мустақил иш ёзгандик. Уқитувчимиз дафтарларимизни тарқатиб, баҳоларимизни айтиб туришимизни сурадилар. Узлари эса баҳоларимизни синф журналичига қуйиб чиқардилар. Навбат менга келганда «4» баҳо олганлигимни айтдим. Дустим Беҳзод ҳам «4» баҳо олганди. У менга қараб, «Санжар, бир уртоқчилик қилгин. Мен «5» баҳо олдим дейман, хупми?» деб қолди. Дустлигимиз ҳурмати, йук деелмадим. Беҳзоднинг фамилияси уқилганда, у дадил уридан туриб «5» деди. Сунгра мамнуният билан менга қараб қуйди.

УРТОҚЧИЛИК ШУНДАЙ БУЛСА

Шу куни дарсдан сунг ота-оналар мажлиси будди. Устимиз Ноила опа менинг бу чоракда яхши уқийдиган уқувчилар қаторига тушиб қолганлигимни айтди. Сунгра Беҳзоднинг чорак баҳолари барчаси аъло эканлиги, унинг тиришқоқлиги, ҳаракатчанлиги ҳақида тулқинларни гапирдилар. Унга таълим-тарбия берган ота-онасига раҳматлар айтдилар. Беҳзод эса онасининг ёнида мамнун ҳолда утирар, бошқа ота-оналарнинг унга ҳавас билан қараётганликларидан фахрланиб ҳам қўярди. Мен эса худди гуноҳкор одамдек, кузларимни яшираддим Билмадим, уртоқчилик қилиб тугри қилдимми ёки...

Санжар ФАТХУЛЛАЕВ,
Хоразм вилояти, Шовот тумани.



Утган йили ёзги таътилда оромгоҳга бориш учун қишлоқ амбулаториясида шифокорлар қуригидан утаётган эдик. Болалар гавжум, шифокорларнинг қули-қулига тегмасди. Ҳамма эпика суқулади, навбатсиз кириб кетишга ҳаракат қилишарди. Уғли болалар илдам, қизлар ҳам улардан қолишмасди. Шу пайт бир чеккада маънос турган қизга кузим тушиб қолди. 8- «Б» синфда уқийдиган Наргиза эди. Унинг мунгли, уйчан нигоҳи, чиройли кузлари мени узига ром қилганди. Уни доимо куриб юрсамда, бутун гўе илк бор қураётгандек маҳлие булиб қолдим...

Шу-шу Наргиза ҳақида жуда кун уйлайдиган, уни кунда бир бор курмасам, туролмайдиган булиб қолдим. Бу қандай туйғу будди экан?



жуда ешман, бу бир уткинчи ҳолдир, деб уйладим. Лекин кунлар утган сари унга булган меҳрим ортса ордики, сунмади.

Бир кун юрак ютиб, унга лари мунтазам иш олди борар, уқувчиларнинг қай фанга қизиқиллари булса, дарсдан сунг ана шу тугаракларда машғулотлар утишарди. Энг муҳим, бундай тугараклар бепул буларди. Ҳозирчи?..

Уч нафар фарзандим мактаб уқувчиси. Ҳар бир ота-она фарзандининг уқимишли, билимдон бўлишини орзулагандай, мен ҳам уғил қизларимнинг уз она тили билан бир қаторда чет

мақтуб йулладим, дилимдагиларни тукиб солдим. Наргиза эса хатимни хатто очиб уқилиши ҳам лозим курмади. «Ҳм... севиб қолган эмиш» дея мийиғида кулиб, купчиликнинг олдида хатимни майда-майда қилиб йиртиб ташлади. Синфдошларим роса устимдан кулишди.

АБДУКАРИМ,
Сурхондарё вилояти, Денов тумани.



ЎҚИНГ, УЙЛАНГ,

ЎРТОҚЛАШИНГ, РАД ЭТИНГ,



СЎЗЛАНГ,

БАҲСЛАШИНГ

Муҳарририятимиз номига келатган мактублар сонининг кундан-кунга ортиб бораётганини бизни қувваттиради. Улар орасида ўзларини уйлантираётган муаммолари, фикр ва мулоҳазалари билан уртоқлашиш истиғида битилган мактубларнинг қулиги эса нур устига аъло нур.

«Мунозара» клубимизнинг ушбу сониди ана шундай сизларни фикрлашга, мулоҳаза юритишга чорловчи мактублар билан ташишасиз. Зеро, ҳақиқат — баҳс ва мунозараларнинг маҳсулидир.

КУЧАМИЗДА БИР ҚИЗ БОР...

Кўчамизда Мухайё исмли бир қиз яшайди. Узи чиройли, кийимлари озода, одобли қиз. Мактабда ҳам аълочи, жамоатчи. Менинг ҳам унга жуда-жуда ўхшагим, у билан чин дугона тутингим келарди. Нимэ бўлди-ю ойимнинг топшириғи билан бир кун уларни кичига чиқиб қолдим. «Мухайё, Мухайё» дея дарвозада охиста қақирдим. Ҳеч ким жавоб қилмади. Ичкаридан эса баланд-баланд овозлар эшитиларди:

— Қизим, бугун ҳеч қандай иш қилмабсан-ку. Мен ишдан чарчаб-хориб келсам, уй супурсам, кир ювсам, овқат пиширсам. Сен эса телевизор қуришдан бўшамасанг...

— Мен айтган кўйлақни олиб бермагунингизча, ҳечам иш қилмайман, мактабга ҳам бормайман, билдингизми? Бу—ўша, мен билган, унга ўхшашига ҳавас қилган, у билан дўстлашмоқчи бўлган Мухайёнинг овози эди. Шунга айтсалар керак-да, «Одамнинг олеси ичиди» деб.

Ҳабиба ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри.



Хизматдан қайта туриб, бекадта утирган икки аёлнинг суҳбати кулогимга чалиниб қолди. Билишимча, ҳар иккиси мактабда ўқитувчи эканлар.

— Мен 7 нафар уқувчига соатига 25 сумдан репититорлик (алоҳида дарс утиш маъносиди) қилишман, — деди биринчи аёл мамнуният билан.

— Мен ҳам мактабда дарсларим йук пайтларда 10 нафар болани уқитялман, — буш келмади иккинчиси. — Ҳафтасига 3 кун, 2 соатдан. Бугеини узингиз ҳисоблайверинг...

Уларнинг сўзларини тинлар эканман, беихтиёр хаёлга чумдим. Ҳозирги кун-

РУСУМ БУЛГАНМИ ДЕЙМАН

да қай бир чет тили муаллимининг озига қулоқ солманг, деярли барчаси ана шу мавзудан сўз очинади. Репититорлик сузи русм булганми, дейман.

Едимда бор, биз мактабда ўқиб юрган пайтларда бирор уқувчи фанлардан бироз оқсадими, ўқитувчимиз: «Сен бугун дарсдан кейин қолгин, кўшимча дарс утамиз. Уртоқларингдан орқада қолясан» дейишарди. Турли хил фан тугарак-


тилларини ҳам яхши билишларини истаймман. Узларининг ҳам тил урганишга иштиёқлари баланд. Лекин уларнинг ҳар бирига соатига 25 сумдан пул тулаб қушимча дарс олдиришга имкониятимиз йук, кулимиз калталик қилади.

Қадрли ота-оналар, устозлар, менга қандай маслаҳат берган булардингиз?

Зулфия АКРАМОВА,
уй бекаси.
Тошкент шаҳри.

Болалар! Мучал йили ўн икки ҳайвон номи билан аталишни билсангиз керак. Мучал йили ҳисоби дастлаб мўғуллар, хитой ва туркий халқлар орасида, кейинчалик Осиё ва бошқа халқлар орасида кенг тарқалган. Мучал ҳар йили 21 мартда бошланади. Мучал йилини топиш учун кишининг туғилган йилига 9 рақами қўшилади ва чиққан йиғиндиси 12 га бўлинади. Қолдиқ сони мучал йили тартиб сонидир. Масалан, 5 балиқ ёки 7 от ... кабидир.

МУЧАЛ ТИЛГА



КИРГАНДА...

СИЧҚОН
Мен мучаллар бошиман,
Ҳайвонларнинг ёшиман.
Кирган йилим зур бул-
гай,
Омборда дон мўл бул-
гай.

СИГИР
«Бақар» дейди номим-
ни,
Эл оширди сонимни.
Йилим ёғлик, кеп қо-
линг,
Қаймоғимдан еб қоли-
нг.

ЙЎЛБАРС
Йулбарс йили улугдир,
Куч-қудратга тулигдир.
Мен кирган йил дунёда
Мардлик булар зиёда.

ҚУЁН
Қуён йили узимиз,
Шерларга хос сузимиз.
Биз очликдан йироқмиз,
Сабзи, утга серобмиз.

БАЛИҚ
Менга сувлар ёқади,
Умрим сойда оқади.
Дехқон, ишни уйлаб қил,
Сувга сероб келгай йил.

ИЛОН
Аждар йили очлик бул-
мас,
Очун элга тинчлик бул-
мас.
Тушларингда илон кур-
санг,
Озор берма иқбол сур-
санг.

ОТ
Элнинг тулпор отимиз,
Асли учқур зотимиз.
Омад бунда нақд келар,
От йилида бахт келар.

ҚҲЙ
Кексаларда бир гап бор:
Қуй йилида йуқ губор.
Эл гамини уйлармиз,
Биз беозор қуйлармиз.

МАЙМУН
Маймун йили аслимиз,
Эзгулик иш касбимиз.
Айтмоққа йуқ тилимиз,
Қувноқ келар йилимиз.

ТОВУҚ
Жужа йили дейишади,
Товугини ейишади.
Йилимизнинг узи яхши,
Санамоққа кузи яхши.

ИТ
Қуриқчингиз узимман,
Остонадир тож-тахтим,
Йиллар утар карвонни
Тухтатишга йуқ ҳаққим.

ТҲНФИЗ
Ўн иккинчи девонман,
Жисмим шундоқ қобон-
ман.
Панд бермаса тишла-
рим,
Юришгай хуб ишларим.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ,
Бекобод тумани.**

— Етмишинчи йилларда фан нашриёти Ф. Хужаевнинг уч томлик танланган асарларини узбек, рус тилларида чоп этиб, хайрли ишни амалга оширди. Сиз отангизнинг танланган асарларини нашрга тайёрлаш ишида фаоллик курсатдингиз, ундан қаноат ҳосил қилдингизми?

— Ҳам ҳа, ҳам йуқ. Ҳа деганимнинг боиси шуки, отамнинг асарларинигина эмас, ҳатто номини ҳам унутиб юборган халқимиз илк бор Файзулла

суҳбатлашиш мақсадида яна опаникига келдим. Газета уқиб утирган эканлар. Ҳол-аҳвол сурашгандан кейин опа менинг олдимга иккита қалин папкани олиб келиб қуйдилар. «Уқиб чиқинг» дедилар. Биринчи папкада профессор Отабой Эшонов томонидан ёзилган материал, иккинчи папкада эса Файзулла Хужаевнинг ҳаёт

мос қилдим. У киши сурагани қулимдан олдиларда, «Мана буни кураясизми?» дедилар. Бобом Убайдулла хужанинг унг томонларида утирган киши дадамнинг амакиси Латифхужа буладилар. Уларнинг кўкрагидаги иккита Георгий крести орденини кураясизми? Россиянинг бу олий му-

**ЭЛИМ, ЮРТИМ
ДЕБ ЖОН
БЕРГАНЛАР**

Мажид Ҳасаний ВИЛОЯТ ХҲЖАЕВНИНГ ДЕГАНЛАРИ

(ТАРИХИЙ ОЧЕРК)

Хужаев танланган асарларини уқиб бахтига муяссар булдилар. Файзулла Хужаев ва Акмал Икромовларнинг уч томлик танланган асарларини узбек ва рус тилларида нашр этилиши республикамиз маданий ҳаётида муҳим воқеа деб биламан. Лекин бу ишдан тула қониқиш ҳосил қилмаганимнинг сабаби шундаки, Ф. Хужаевнинг асарларини уч эмас, камида беш томлик қилиш керак эди. Чунки унинг купгина муҳим асарлари, мақолалари ва тақризлари уч томликка кирмай қолиб кетди. Узингиз ҳам бу хусусда ёзган мақолаларингизда курсатиб ўтгансиз. Масалан, унинг элликка яқин мақолалари, тақризлари, нутқ маърузалари қолиб кетди. Улар жуда керак ва зарур эди.

ва ижод йули ҳақида ҳикоя қилувчи фотосуратлар бор экан. Мен биринчи навбатда альбом учун танланган 70 дан ортиқ фотосуратларни кўришга киришдим. Турли даврлар, йиллар, турли касб эгалари олиму давлат, жамоат ва санъат арбоблари билан тушилган турли хил суратлар.

кофотини савдогар бой Латифхужага Россия императори Александр III нинг шахсан узи топширган. Бундай нишонни бобом ҳам олганлар.

Улар орасидаги икки расм менинг диққатимни узи-га тортди. Унда Ф. Хужаевнинг отаси — Қосимхужа угли Убайдулла хужа, унинг ёнида утирган амакиси, Латифхужа ҳар иккаласининг уртасида 13-14 ёшлардаги кузлари тим қора успирин тик турибди. Мен унга узоқ тикилиб қолдим. Анча эскирган, сарғайиб кетган. Орқасидаги урисча ёзувни уқийман. «Долгую память, город Москва 1910 год» Бу Москвада таҳсил кўраётган Файзулла Хужаевнинг уз қули билан ёзилган экан. Мен тарихий сурат тафсилотини опадан сурадим. Расм тарихини гапира туриб, уни Файзулла Хужаев альбомига киритмасликни айтдилар. Мен бу ажойиб ҳужжатни альбомга албатта киритишларини қайта-қайта илти-


Иккинчи сурат ҳам Москвада олинган булиб, унда ҳам ака-ука Убайдулла хужа ва Латифхужалар урисларнинг бозор растаси олдида турган ҳолатлари акс эттирилган.

Файзулла Хужаев ҳаёти ва ижодий фаолиятидан ҳикоя қилувчи мазкур альбом-журнал орадани бир йил утгач, «Фан» нашриётида чоп этилди.

Альбом материалларини тарих фанлари доктори Нафисахон Содикова жамлаган. Альбом оз нусхада булгани учун Вилоят Хужаева узлари учун олган альбомни менга тақдим этдилар.

Қани энди имконият, шароит булса, Файзулла Хужаевга бағишланган альбомни янги тулдирилган вариантда чоп этирилса...

(Охири. Боши ўтган сонларда.)



<p>ТОНГ ЮЛДУЗИ Ўзбекистон болалари ва ўсмирларнинг газетаси</p>	<p>Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА</p>	<p>Таҳрир хайъати: Наримон ОРИФЖОНОВ, Омон МАТЖОН, Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Марат ШАФИЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА,</p>	<p>ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет уеулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г -0198. 7691 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30</p>	<p>Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137 • Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. • Телефон: 33-44-25</p>
--	---	--	--	---